

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA562
- 75.Қурбонов Э.Э.**
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


80.Холмўминов Ҳ.Э. ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С. ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
82.Ўтанов Х.Ш. XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
84.Юлдошева Б.М. XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
85.Ғаффоров Я.Х. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
86.Шайдуллаева Г.Ш. БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
87.Yakubova Sh.A. O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Юлдашева Матлуба Мунаваровна,
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Қўқон давлат педагогика институти

БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ

For citation: Yuldasheva Matluba Munavarovna. HISTORICAL REFLECTION OF DESTRUCTIVE AND CREATIVE IDEAS IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY. Look to the past. 2020, SI, pp.572-576

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-76>

АННОТАЦИЯ

Мақолада жамият тарққиётига тўсқинлик қиладиган ғоя ва мафкуралар билан бир қаторда инсон манфаатларига хизмат қилувчи эзгулик ва бунёдкор ғояларнинг келиб чиқиши, генезисига асосий эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: инсон, жамият, ўтмиш, тарих, тараққиёт, эзгулик, бузғунчи, ижодкорлик, бунёдкор, ғоя, мафкура, таҳдид.

Юлдашева Матлуба Мунаваровна,

кандидат философских наук, доцент

Кокандский государственный педагогический институт

СОЗИДАТЕЛЬНЫЕ И РАЗРУШИТЕЛЬНЫЕ ИДЕИ: ФОРМЫ И СУЩНОСТЬ

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена генезису и происхождению гуманистических и творческих идей, которые служат интересам человека, а также идеям и идеологиям, которые препятствуют развитию общества.

Ключевые слова: человек, общество, прошлое, история, развитие, добро, деструктивность, креативность, креативность, идеи, идеология, угроза.

Yuldasheva Matluba Munavarovna,

Doctor of Philosophy, associate professor.

Kokand State Pedagogical Institute

HISTORICAL REFLECTION OF DESTRUCTIVE AND CREATIVE IDEAS IN THE DEVELOPMENT OF SOCIETY

ABSTRACT

The article focuses on the genesis and origin of humanistic and creative ideas that serve human interests, along with ideas and ideologies that hinder the development of society.

Index terms: person, society, past, history, development, goodness, destructive, creativity, creativity, ideas, ideology, threat,

Долзарблиги. Жамият тараққиёти тарихида эзгулик, ижодкорлик ва бунёдкорликка етакловчи ғоя ва мафкуралар билан бир қаторда, инсон ҳаётини издан чиқариш, жамият ва ижтимоий тизимларнинг таназзулига юз тутишига замин яратувчи бузғунчи, вайронкор ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд бўлган. Мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини очиб бериш аввало "таҳдид" тушунчасининг мазмунини ойдинлаштиришни талаб этади. Таҳдидларнинг мавжудлиги хавфсизлик масалаларининг ҳам доимий равишда кун тартибида туришини тақозо этади. Зеро, хавфсизликни таъминлаш бу - таҳдидларнинг олдини олишни англатади. Глобаллашув, универсаллашув жараёнлари таъсирида ёт ва бегона ғояларнинг хуружлари тобора авж олиб бораётган бугунги кунда жамият маънавий, мафкуравий масалаларга алоҳида диққат-эътибор қаратишни тақозо қилади.

Зеро, кишилиқ жамиятининг кўп минг йиллик тарихи барча даврларда эзгулик ва бунёдкорликка етакловчи қарашлар, ғоя ва мафкуралар билан бир қаторда, уларга қарама-қарши бўлган, инсон ҳаётини издан чиқариш, жамият ва ижтимоий тизимларнинг емирилишига, таназзулга юз тутишига замин яратган бузғунчи ва вайронкор қарашлар, ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд бўлганидан далолат беради.

Шунингдек, мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини очиб бериш учун, аввало, "таҳдид" тушунчасининг ижтимоий мазмунини ойдинлаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш жоизки, таҳдидларнинг мавжудлиги хавфсизлик масалаларининг ҳам доимий равишда кун тартибида туришини тақозо этади. Зеро, хавфсизликни таъминлаш бу - таҳдидларнинг олдини олишни англатади. Шу муносабат билан хавфсизлик масалалари бўйича илгари сурилган қуйидаги ёндашувларга эътиборни қаратиш ўринли. Жумладан, М.М.Гаджимирзаевнинг фикрича, "Хавфсизлик - мунтазам кучайиб боровчи, фуқаролик жамиятида ҳокимият сиёсий институтлари функцияларининг бузилиши ва ҳатто, жамиятнинг таназзулига олиб келувчи зиддиятли ҳолатларнинг йўқлигидир" [1].

Ушбу таърифда хавфсизлик ва таҳдид масаласига сиёсий нуқтаи назардан ёндашилган. Зеро, мутахассис таҳдид сифатида ҳокимият сиёсий институтлари фаолиятига путур етказиши мумкин бўлган омилларни назарда тутган. Шу маънода, ушбу методологик ёндашув умумий маънодаги хавфсизлик, ўз навбатида, "таҳдид" тушунчасининг ҳам мазмунини конкретлаштиришга имкон бермаган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيқий таҳлил, кетма-кетлик, холислиқ тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда жамият ҳаёти, уларнинг алоҳида соҳаларига нисбатан таҳдидлар тараққиётнинг

барча босқичларида мавжуд бўлиши, масаланинг тарихий аспекти кўрсатилган. Бир-биридан фарқ қилувчи маданий тизимлар, давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, улар ўртасидаги табиий ва ижтимоий ресурслар учун кечадиган доимий кураш ва рақобат турли йўналишлардаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига замин яратган.

Хавфсизлик муаммоси хавфнинг чекланиши ёки олиб ташланишини назарда тутуди. Бироқ, тарихнинг гувоҳлик беришича, алоҳида олинган инсон ҳам, турли ҳамжамиятлар ҳам умуман хавф йўқ бўлган ҳолатга эриша олмаган. Шунинг учун хавфсизликни инсон ва унинг уюшмалари ўз-ўзини сақлаш мақсадида доим интилишлари зарур бўлган идеал сифатида қабул қилиши мақсадга мувофиқ, - деб ёзади И.А.Крилова [2].

Ю.Кузнецов, В.Никольскийлар томонидан эса хавфсизликнинг ижтимоий, миллий, давлат каби шакллари таҳлил қилинган ва жамият умумий хавфсизлигининг асосий кафолати сифатида миллий давлатчилик кўрсатилган [3].

Хавф-хатарлар моҳиятига нисбатан мазкур ёндашувлар таҳлили "таҳдид" тушунчасини умумий маънода биологик ва ижтимоий тизимдаги нормал ҳаёт тарзининг бузилишига олиб келадиган омиллар, хавф-хатарлар мажмуи. Шу маънода, у негатив ҳодиса, жараёнدير, деб изоҳлашимиз учун асос бўлади.

3. Тадқиқот натижалари:

Чунончи, жамият ривожига нисбатан таҳдидлар ҳам тарихий ҳодиса бўлиб, улар тараққиётнинг барча босқичларида мавжуд. Шу нуқтаи назардан таҳдидлар бир-биридан фарқ қилувчи турли маданий тизимлар, давлатчилик анъаналарининг шаклланиши, улар ўртасидаги табиий ва ижтимоий ресурслар учун кечадиган доимий кураш ва рақобат ҳар хил турдаги таҳдидларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Бугунги кунга келиб, инсоният ҳаётига хавф соладиган таҳдидларнинг шартли равишда ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, демографик, экологик каби шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўз навбатида, турли соҳалар орқали амалга ошириладиган таҳдидлар ҳам янада конкрет шаклларда юзага чиқиши мумкин. Масалан, ҳарбий таҳдидлар ҳақида гапирганда, бир давлатнинг бошқа давлатга нисбатан ҳарбий агрессия хавфини намоён қилишида кўринади. Аммо, ядро қуроллари орқали кечадиган ҳарбий ҳаракатлар хавфи глобал характерга эга бўлиб, умуминсоният таҳдидини ифода этади.

Таъкидлаш жоизки, қадим даврларда давлат ва жамият ҳаётига ҳарбий таҳдидларнинг хавф-хатар даражаси жуда юқори бўлган. Зеро, халқаро муносабатларда дипломатия, ўзаро тенглик, ҳурмат, дахлсизлик каби демократик тамойиллар деярли амал қилмаган шароитларда давлатлар асосий эътиборни ҳарбий куч - қудратни ошириш, ҳар жиҳатдан мобил армияга эга бўлишга қаратиши мамлакат ташқарисидо доим мавжуд бўлган ҳарбий таҳдидлар бунга сабаб бўлган. Албатта, ҳарбий хавф-хатар бугунги кунда ҳам жамият ҳаётида ўз ўрнига эга. Бироқ, бизнинг давримизда қўққисдан, реал асосларсиз, қутилмаганда содир бўладиган ҳарбий агрессияга барҳам берилган десак, муболага бўлмайди.

Шунингдек, таҳдидлар объектив ва субъектив характерга эга бўлади. Айни пайтда, турли йўналишлардаги таҳдидлар бир-бирини тўлдиради. Чунончи, муайян халқаро меъёрларни бузган давлатларга нисбатан иқтисодий санкцияларнинг қўлланиши жаҳон амалиётида кенг ўрин эгаллайди. Баъзи ҳолларда бундай чораларга етарли асосларсиз мурожаат қилинишини инобатга оладиган бўлсак,

бундай иқтисодий хавфни ташкил этиш маълум сиёсий омиллар билан ҳам шартланган бўлади. Масалан, АҚШнинг Кубага нисбатан узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган иқтисодий таҳдид чоралари икки давлат ўртасидаги мафкуравий-сиёсий зиддиятлар билан изоҳланади. Бунда иқтисодий таҳдиднинг кўпроқ субъектив омиллар таъсирида юзага келганини кузатиш мумкин. Шунингдек, объектив характерга эга таҳдидлар ҳам мавжудки, уларнинг иқтисодий оқибатлари бутун инсоният учун аянчли бўлиши мумкин. Масалан, дунёда чучук сув захиралари ҳамда энергия ташувчи ресурсларнинг тугаб бориши каби объектив таҳдидлар шулар жумласидандир.

Шу ўринда айна вақтдаги глобал таҳдид - жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Зеро, "Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди" [4].

Умуман олганда, иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви ҳамда дунёда иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига кўра бир-биридан жуда катта фарқ қиладиган давлатларнинг пайдо бўлиши натижасида иқтисодий усул ва воситалар, механизмлар орқали маълум манфаат ва мақсадлар йўлида давлатлар ҳаётига нисбатан таҳдидлар ҳам ривожланиб бормоқда. [5]

Сиёсий мазмунга эга бўлган хавф-хатарлар ҳам давлатлар ҳаётига жиддий таҳдид солади. Зеро, сиёсий таҳдидлар бошқа йўналишларда таъсир ва босим ўтказиш учун ўзига хос маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда ички ва ташқи сиёсатда қўшни давлатлар ёки дунёнинг етакчи давлатлари манфаатларига мос келмайдиган сиёсий позицияларга эга бўлган баъзи давлатларнинг турли минтақавий ва халқаро ташкилотлар таркибига қабул қилмаслик ёки таркибдан чиқариб юбориш ҳоллари ўша давлат учун халқаро ва давлатлараро муносабатларни ривожлантиришда улкан сиёсий тўсиқ ва тазйиқларга сабаб бўлади.

Зеро, мафкуравий таҳдидлар маънавий хавф-хатар, таъсирларнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Таҳдидлар маънавий-мафкуравий йўналишда бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- минтақавий можаролар;
- диний экстремизм;
- буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик;
- этник ва миллатлараро зиддиятлар;
- коррупция ва жиноятчилик;
- маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик муносабатлари;
- экологик муаммолар. [6]

Эътибор берилса, ушбу ҳодисалар асосан ғоявий, мафкуравий йўллар орқали жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Шу маънода, улар айна пайтда, мафкуравий таҳдидлардир.

Мафкуравий таҳдидлар макон ва замон хусусиятларига эга. Зеро, маълум бир тарихий давр учун реал хавф-хатарни ифодалаган ғоялар ва мафкуралар вақт ўтиши билан бошқа тарихий босқичда бундай тавсифланмаслиги ҳам мумкин.

Шунингдек, бир маконда табиий ҳолат сифатида қабул қилинувчи воқеа, ҳодиса, жараёнлар айна бир тарихий даврда бошқа маконга нисбатан таҳдид сифатида ўзлигини намоён қилиши ҳам мумкин.

Мафкуравий таҳдид мафкуравий хавфсизликни тақозо этади. Сўнгги йилларда нашр этилаётган луғатларда ушбу тушунчаларга таърифлар берилган. Жумладан, уларнинг бирида "мафкуравий хавфсизлик - шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлардан турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча" [7] сифатида талқин этилган.

4. Хулосалар:

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мафкуравий таҳдид ғоявий таъсирлар тизимини ифода этиб, аниқ мақсадлар йўлида онгли, пухта ўйланган режа асосида ҳамда уни рўёбга чиқаришга потенциал имкониятлар мавжуд бўлган ижтимоий маконга йўналган бўлади. Умуман олганда, мафкуравий таҳдиднинг ёвуз ғояларни қўрқитиш ва зўрлик йўли билан бошқаларга тиқиштирилиши тарзида изоҳланиши ҳам мазкур тушунчанинг мазмунини тўлиқ ифода этмаган. Зеро, ҳозирги кунда мафкуравий таҳдидлар четдан қараганда зарарсиз, пинҳона йўллар орқали амалга оширилаётгани ҳаммага маълум. Чунончи, "демократияни олға силжитиш" йўлидаги хатти-ҳаракатлар, айрим хорижий оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ноҳолис хабар ва маълумотлар, контрабанда йўли билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётган порнографик мазмундаги фильмлар қўрқитиш, зўрлик йўли билан эмас, балки пинҳона, "юмшоқ" шаклда бўлаётган мафкуравий таҳдидларга мисолдир. Бироқ, бир қарашда сезилмас, беозор бўлсада, улар жамиятимиз маънавий-ахлоқий, мафкуравий барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган реал хавф-хатарлар ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, мафкуравий таҳдидлар бузғунчи, вайронкор ғоялар шаклида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, мақоламиз доирасида "бузғунчи ғоя" марказий тушунча ҳисобланади. Айна вақтда, мазкур тушунчанинг мазмунини ойдинлаштириб олиш мафкуравий таҳдидларнинг моҳиятини теран англаб олишга ёрдам беради.

Иқтибослар/ Сноски/References:

[1] Gadzhimirzaev M.M. Ethnoconfessional tolerance as a factor in ensuring peace and security in the North Caucasus: Abstract of dissertation of PhD of political sciences. - Stavropol, 2003. p. 16

[2] Krylova I.A. The problem of Russia's security in the context of globalization. - M: Institute of Philosophy of the Russian Academy of Sciences, 2001. - p. 5

[3] Kuznetsov Yu., Nikolsky V. Introduction to the theory of national security. - M.: Culture - Network, 2000. p. 395

[4] Karimov I.A. The global financial and economic crisis, ways and measures to overcome it in the conditions of Uzbekistan. - Tashkent: Uzbekistan, 2009. - p. 4

[5] Tikhonravov Yu.V. Geopolitics: Textbook. - M.: INFRA-M, 2000.p. 269

[6] Karimov I.A. Uzbekistan at the Threshold of the 21st Century: Security Threats, Conditions for Stability and Guarantees of Development // Uzbekistan for the Future. - Tashkent: Uzbekistan, 1997. - p. 19, 110.

[7] The Idea of National Independence: Key Concepts, Principles and Terms (Experimental Dictionary with Short Commentary). - Tashkent: New Generation, 2002. p. 87

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000